O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 13 март, шанба • № 21 (11.104) • Эркин нархда сотилади

Туркия Республикаси Президенти С. Дэмирелнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти С.Дэмирел 1999 йил, 15-16 март кунлари Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюради.

Қонунлар лойиҳалари муҳокамада

КУН ТАРТИБИДА — ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ

ШУ йил 11 март куни Зангиота туманида вилоят фаолларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари, қишлоқ, кўрғон, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ҳамидулла Асадов бошқарди.

Семинар-йиғилишда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида республика адлия ходимлари малакасини ошириш маркази директори Нормайли Норпўлатов иштирокчиларга сўзлаб берди.

Шунингдек, анжуман қатнашчилари «Вилоят ҳудудларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва вазиятни барқарорлаштириш тўғрисида» вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муҳаммаджон Деҳқонов, «Вилоят шаҳар ва туманларида «Бандлик» дастурини бажаришда фуқаролар йиғинлари раисларнинг вазифалари хусусида» вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш бошқармасининг бошлиғи Турсимат Холбоевларнинг маълумотларини ҳам тингладилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқ ва бурчларига оид, шунингдек шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғининининг ваколатлари билан боғлиқ ва бошқа моддалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Вилоят ҳудудларида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қишлоқ, кўрғон, маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда ишлашлари зарурлигини таъкидладилар. Айни пайтда, улар «Бандлик» дастури хусусида ҳам тўхталиб, вилоятда кейинги йиллар ичида иш жойлари маълум даражада кўпайганлигига қарамай, ҳали бу борадаги режалар етарли амалга ошмаётганлигини қайд қилдилар.

Семинар-йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

ЛОЙИҲАГА ТАКЛИФЛАР

ПАЙШАНБА куни Тошкент давлат Аграр университетида «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят олимлар уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган бу йиғилишда кўплаб олималар, вилоят шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари, вилоят тадбиркор аёллар уюшмалари раислари, вилоят «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари шаҳар ва туманлар бўлимлари раҳбарлари, талабалар иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева очди.

Йиғилишда республика Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Пўлат Аҳмедов лойиҳанинг моҳияти ҳақида иштирокчиларга батафсил гапириб берди. У ўз сўзида мазкур лойиҳа ҳақида тўхталиб, бу ҳужжат республикамиз нодавлат, нотижорат ташкилотларининг мамлакатимиздаги халқаро ва чет эл нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ муносабатларини тартибга солади, деди.

Анжуманда сўзга чиққанлар лойиҳанинг аҳамияти, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг халқаро алоқалари, улар мол-мулкини шакллантириш манбалари, шунингдек бошқа қатор моддалари билан боғлиқ таклиф ва истакларини билдирдилар.

СИНОВ МАЙДОНЛАРИДАН — МАКТАБЛАРГА

КАДРЛАР тайёрлаш Миллий Дастурининг биринчи босқичига кўра Қибрай туманидаги 16-мактаб жўғрофия, Бўка туманидаги 8-мактаб тарих фанлари бўйича республика тажриба синов майдонлари этиб белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Хайрилла Иноғомов ҳамда малакали муаллим-мутахассис Усмон Жўраев раҳбарлик қилаётган бу ўзига хос «лаборатория»лар ўқувчиларга чуқур билим беришда тест усулининг афзалликларини намоён қилдилар. Айни пайтда ҳар иккала фаннинг янги қўлланмалар ва кўргазмали воситалар асосида ўтилиши машғулотлар сифатини оширди. Эндиликда мазкур йўналишлар бўйича дарсларда эришилган ютуқлар вилоят мактабларида оммалаштирилади.

Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.



АТРОФ кўм-кўк либосга бурканган. Ердан ҳовур кўтарилиб, боғ-роғлардаги дарахтлар куртак ёзиб, олди гулга кирган айни дамларда ким далага ошиқмайди дейсиз. Деҳқонни-ку қўяверинг, юрагига ғулғула тушган, «тинчини» йўқотган. Иложи бўлса, далага чиқиб, «кўрпа-ёстиқ қилиб» олса. Масъулият ҳисси: эл-юрт, ризқ-рўз яратиш ташвиши шундай қилишга ундайди уни. Ҳозирги ғанимат дамларда бир кун ютса, бу кун бора-бора ойларга, ҳатто йилларга татийди. Оққўрғон туманидаги «Хонқа» жамоа хўжалигида чорак асрдан буён меҳнат қилиб келаётган миришкор деҳқон Тоҳир Аҳмадалиев бу оддий ҳақиқатга ҳамиша амал қилади. Шунинг учун ҳам у ўзига тегишли техникани аллақачоноқ экишга тахт қилиб қўйди. Қулай фурсат келди дегунча экин-тикин ишларини жадаллаштириб юборади. Демакки, у ҳар йилдагидек, бу йил ҳам ҳосил етиштиришда режани барвақт уддалашда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатади.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Деҳқон ҳамиша яхши ният билан меҳнат қилади.

— Бу йил ҳам, — дейди Тошкент туманидаги Фиёс Умаров номли жамоа хўжалиги оилавий пудратчилар бригадаси бошлиғи Абдураззоқ ака Тўлаганов, — шаҳарликларга мумкин қадар эртаги ва сифатли маҳсулот етказиб беришга аҳд қилганмиз. Бу борада бирмунча ишлар қилинди. Хусусан, бир ярим гектар ерга карам экиб, пленка ёпиб қўйдик. Деҳқонларимиз кунлар исиб кетиши билан парвариш ишларига киришадилар.

Умуман, хўжаликда кўкламги дала ишлари ҳар жиҳатдан авж олдириб юборилди. Сабзавот экиладиган майдонлар кузда ҳайдалиб, ўғитланиб, эгат олиб қўйилган эди. Бу қўл келмоқда. Бошқа экинлар қатори бу йил 15 гектар ерга эртаги сабзавот экиш режалаштирилган эди. Деҳқонлар иссиқхонада етиштирилган, саралланган кўчатларни олиб чиқиб экишни бошладилар. Улар ҳар бир ғанимат дамлардан самарали фойдаланмоқдалар. Собиржон Зокиров, Абдураҳмон Зуфаров, Худойберган Абдуллаев, Аҳмаджон Раимов каби деҳқонлар дала юмушларини бажаришда ўрнак кўрсатмоқдалар.

Тўйчи ТОЛИПОВ.

ИШ САМАРАДОРЛИККА БОҒЛИҚ

ТОШКЕНТ туманидаги Абдураҳмонов номли хўжалик ҳудудида яшовчи кўп минг кишилик аҳолининг соҳибкорликка иштиёқи баланд. Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликда ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали деҳқонлар кўп. Уларнинг меҳнати тобора қадр топмоқда, пировард натижадан манфаатдорлиги ортмоқда.

Хўжаликда 194 гектар боғ, 107 гектар токзор мавжуд. Бу майдонлар 200дан зиёд соҳибкорга оилавий пудрат асосида тақсимлаб берилган. Шартномага мувофиқ етиштирилган маҳсулот қийматининг ўттиз фоизи иш ҳақи сифатида уларга берилади. Бундан ташқари етиштирилган ҳосилнинг шартнома режасидан ортиқчаси ҳам пудратчига мукофот тариқасида қолдирилади.

Соҳибкорга маҳсулотни сотиш ҳуқуқининг берилгани ҳам улар қизиқишини кучайтирмоқда. Хўжалик маъмурияти ҳузуридаги нархлаш комиссияси мева ва узумга бозордагидан 40 фоиз арзон баҳо қўйиб беради. Бу эса боғбонни арзон ва сифатли ноз-неъмат етиштириш, нобудгарчиликка йўл қўймасликка рағбатлантирмоқда, даромадни янада кўпайтиришга имкон яратмоқда.

Қишлоқ ва ислоҳот

Бошқача айтганда, хўжаликда ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига ҳар гектар боғдан ўртача 152-200, токзорлардан эса 252-300 минг сўмгача даромад олинмоқда. Мавжуд 16 гектар иссиқхоналарнинг ижарага берилгани ҳам йил бўйи мўл-кўл ноз-неъмат етиштиришда катта аҳамият касб этмоқда.

— Иш самарадорлигини янада ошириш, деҳқон даромадини кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдураҳим Абдураҳмонов. — Бунда оила пудрати жуда қўл келяпти. Ерга, мулкка эгалик ҳисси ортмоқда, меҳнатга қизиқиш кучайиб бораётир. Эндиликда хўжалигимизни қишлоқ хўжалиги ширкатига айлантириш тараддудидамиз. Бу мақсадимиз рўёбга чиқса, шубҳасиз, деҳқон даромади янада кўпаяди. У нафақат етиштирган маҳсулотига қараб моддий манфаат топади, хўжаликка келтирган фойда ҳисобидан дивиденд ҳам олади, жамоа мулкига тегишли пай асосида эгалик қилади.

Айни пайтда хўжаликда янги мавсумга пухта тараддуд бошлаб юборилди. Кузда мевали боғ ва токзорлар касалликларга қарши дориланган, зарур агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилгани ҳосил куртакларининг бўлиқ етилишини таъминламоқда. Бу эса соҳибкорлар жорий йилда ҳам эл дастурхонига кўплаб мева ва сабзавот тортиқ этишидан далолат беради.

ЎзА мухбири.

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

БАЙРАМ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ ГЎЗАЛРОҚ ЎТАДИ

ЎЛКАМИЗДА баҳорнинг илк кунлариданоқ халқимизнинг азалий байрами — Наврўзни кутиб олиш ҳаракати бошланди. Ҳамма жойда кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари қизғин тус олди. Пойтахтимиз ва вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида гўзаллик ва нафосат байрами тантаналарига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. ЎзА мухбири Тошкентда нишонланадиган байрам тантаналари Бош режиссёри, Ўзбекистон Халқ артисти Рустам Ҳамидов билан шу ҳақда мулоқотда бўлди.

— Қутлуғ байрамнинг асосий тантаналари одатдагидек Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мажмуасида ўтади. Бош саҳна ҳам шу ерда жойлашган. Шодиёналарга беш мингга яқин киши жалб этилади. Улар асосан Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси жамоалари, пойтахт театрларининг етук санъаткорлари, олий рақс мактаби, маданият техникуми, маданият ва санъат олий ўқув юртларининг талабалари, халқ таълими бош бошқармасига қарашли мактаблар, билим юртларининг ўқувчилари, вилоятлардан келган бадиий ва фольклор этнографик жамоалардан иборат. Шодиёналарда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг бадиий жамоалари ҳам иштирок этади.

Бу йилги Наврўз байрами миллий, халқчил тарзда ўтишига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳеч шубҳасиз, унда мустақил давлатимиз қарийб саккиз йилда эришган улкан ютуқлари ўз ифодасини топади. Айни вақтда миллий санъат, урф-одатларимиз, халқ оғзаки ижоди намуналарини намойиш этган ҳолда байрамни халқимизга янгича талқинда намоён этсак деган ниятдамиз. Аёллар йили муносабати билан дастуримизда шу мавзуга алоҳида эътибор берилгани табиий. Уларнинг энг асосийси, шубҳасиз, «Туркистоннинг буюк аёллари» саҳифасидир. Бу катта бўлимда Анахида, Тўмарис, Бибихоним, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Қамбар отин ва Зулфияхонимларнинг сиймоси намоён бўлади. Дастуримизнинг яна бир бўлими аёлларимизга бағишланади. У ҳам бўлса — замонавий урфдаги кийимлар намойишидир. Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларида бир нечта машҳур кийим тикиш уйлари мавжуд. Уларнинг бой коллекциялари кўпгина давлатларда намойиш қилинган. Аёллар йили муносабати билан биз мана шу ажойиб, бетакрор либослар жамламасини ҳам майдонга олиб чиқмоқчимиз.

Бу йилги концерт дастуримиз ҳам янги куй, қўшиқ ва рақслардан иборат бўлади. Одатдагидек, эстрада саҳифасига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Унда машҳур саҳна юлдузлари қатори ёшлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этади. Хуллас, байрамимиз ҳақиқий халқ сайлига айланиши керак. Шу мақсадда режиссёр, бастакор, балетмейстерларнинг катта гуруҳи иш олиб боряпти. Тайёргарлик ишлари «Халқлар дўстлиги» саройида, «Туркистон» саройида, «Алпомиш» спорт мажмуида, театрлар саҳналарида, «Пахтакор» ўйингоҳида ўтяпти. Ҳозир тайёрланаётган дастурларимизни бош саҳнада бирлаштириш жараёнини бошладик.

Майдон безаклари устида ҳам рассомларимиз жуда катта иш олиб бормоқда. Асосий томошалар ўтадиган етти гектарли майдон ҳақиқий баҳор фасли ва гулзорни акс эттиради. Ҳар йили ҳам бунга эътибор бериларди, албатта. Лекин бу гал бутун саҳнани баҳор, уйғониш кайфиятини акс эттирувчи безаклар билан бойитишга эътибор кучайтирилябти. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тинчлигимиз ва осойишталигимиз душманлари мамлакатимиз пойтахтида 16 февраль куни содир этган қўпорувчилик ҳаракатлари билан бу йилги байрамимизга ҳам доғ тушириш ниятида эдилар. Аммо уларнинг бу қора нияти пучга чиқди. Ишонч билан айта оламанки, бу йилги Наврўз байрамимиз ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ва гўзалроқ ўтади.

Байрам шодиёналари бош саҳнадан ташқари шаҳримизнинг яна саккизта майдонида ва туман марказларида намойиш этилади. Бу чиқишларга ҳам қизғин ҳозирлик қурилаётир.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЖАМОА БИЛАН БИРГА

АНГРЕН шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг бу галги пленуми янгича тартиб ва ўзгача руҳда ўтказилди.

ҚЎМИТА 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилингани муносабати билан ўз ишига ижобий ёндошиб, пленумларини халқ ичига, одамлар орасига кўчиришни афзал билди. Шаҳар хотин-қизларининг анжумани маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида босқичма-босқич бўлиб ўтди.

Бундай янгича тартиб Аёллар йилида амалга оширишни мўлжаллаб тузилган ранг-баранг дастурларни кенг ва чуқур муҳокама этиб, обдон пишитиб, сўнг тасдиқлаш имконини берди.

Самад ЙЎЛДОШ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА...

ХАЛҚАРО хотин-қизлар байрами арафасида Юқоричирчиқ тумани маркази Янгибозор қўрғонидаги Нуриддин Охин чойхонасида «Аёл билан олам мунаввар» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

У туман ҳокимлиги, «Камолот», «Нуроний», «Қизил ярим ой» каби жамоат ташкилотлари ҳамда ЎзХДП туман кенгаши ва туман тадбиркорлар касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

Ушбу тадбирга тумандаги иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳамда фронт орқасида меҳнат қилган фахрий аёллардан 40 нафари таклиф этилди. Улар тўкин дастурхон атрофида ўтмиш хотираларини эсга олиб, дилдан суҳбат қуришди. Тумандаги қатор жамоат ташкилотлари вакиллари йиғилганларни аёллар йили ва байрамлари билан табрикладилар.

Фахрий аёллардан Баҳринисо Пардаҳўжаева, Мунисхон Пўлатхўжаева, Иззат Султонова, Раҳима Давилова, Ўғилби Миртурсуновалар оғир уруш йилларидаги машаққатли меҳнат фаолиятлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди.

Қизиқарли ва мароқли ўтган ушбу тадбирга «Нуриддин Охин» хусусий ошхонаси, «Иброҳим ЛТД» ҳамда «Шодлик» хусусий дўконлари ҳомийлик қилишди. Тумандаги «Бахт» бадиий гуруҳи аъзолари хизматда бўлдилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

ЧИҚИНДИДАН ҚИСМЛАР

«АНГРЕНГАЗМАШ» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти жамоаси орасида ихтирочилар ва рационализаторлик харакати тобора кенгайиб бормоқда.

Унда иштирок этаётган ишчилар, мухандис-техник ходимлар ва хизматчилар ишлаб чиқаришнинг турли кемтик участкаларини такомиллаштириш, материаллар ва хом ашёларни тежаб-тергаб сарфлашга қаратилган таклифлар билан чиқмоқдалар. Уларни амалга ошириш яхши самара бермоқда.

Корхонада кўплаб ишлатиладиган металл тахтасини тежашга қаратилган фақат тўртта таклиф жамоага 85 минг сўм фойда келтирди. Янгилик ихлосмандлари таклифлари билан газ тақсимлаш пунктининг айрим мосламалари конструкцияси ўзгартирилди. Натижада, уларни тайёрлаш учун металл сарфи камайди. Жез ишлатиладиган айрим қисмларни алюминий қотишмалари ишлаб чиқариш чиқиндиларидан босим усули билан тайёрлаш ҳам ўн минг сўмлаб маблағни тежаш имконини берди. Бундан ташқари, технологик жараёнларни механизациялаш ва тайёрланаётган буюмлар сифатини яхшилашга ёрдам берадиган қатор тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲАМ КЎЧАТ, ҲАМ ПАРВАРИШ

ВИЛОЯТИМИЗДА мавжуд бўлган бта ўрмон хўжалиги 360 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. Шундан 56,8 минг гектари ўрмонлар билан қопланган, холос.

Тоғлар, қир-адирлардан иборат қолган ҳудудларга ҳам манзарали ва мевали ниҳоллар экиш бошлаб юборилди. Ҳар йили 250-300 гектар ер арча, чинор, бодом, тоғолча ва ёнғоқзорларга айлантирилмоқда. Қурилишбоп дарахтлар экишга ҳам тобора эътибор ортмоқда. Айни пайтда 30 гектардан зиёд майдондаги теракзорлар парваришига киришилди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ТАДБИРКОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

ОҲАНГАРОН туманида «Ташаббус-98» кўрик-танлови бўлди. Унда бир гуруҳ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар томонидан тайёрланаётган турли маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Иштирокчилар ҳуқуқий саводхонлик, бозор муносабатлари шароитида муваффақиятли иш юритиш, «Бизнес режа» тузиш ва уни амалга ошириш каби шартлар бўйича ўзаро беллашди. «Муқаддас» фермер хўжалиги раҳбари Пўлатали Ҳожиакбаров, «Лобар» хусусий корхонасини ташкил этган Собида Қудратова ҳамда ҳунарманд Баҳром Ҳасанов танловда голиб чиқди.

Д.НЕЪМАТОВ

«ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА»

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номи билан ўзбек ва араб тилларида нашрдан чиқарди.

Президентимиз ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб берар экан, шу йилнинг 16 февралида Тошкентда рўй берган фожиа муносабати билан айрим ахборот воситаларининг воқеага бир томонлама ёндошганларига алоҳида эътиборни қаратади. Ва «Асоссиз фикрлар, бир ёқлама қарашлар, енгил-елпи хулосалар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини билмайдиган муайян сиёсий ва моддий манфаатларни кўзлаган» муаллифлар иши эканини айтади. Юртбошимиз энг қалтис ва мураккаб замонларда ҳам муқаддас динимизни дил тўрида сақлаб келганимизни, диний туйғулар, исломий тарбия бутун вужудимизга сингиб кетганлигини ва ҳар доим «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» эканлигини алоҳида таъкидлайди.

«Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман, — дейди Ислом Каримов. — Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман».

Президентимиз ўз жавобларида ислом дини билан ислом фундаментализми бутунлай бошқа-бошқа тушунчалар эканига, уларни фарқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, бу хусусдаги қатъий фикрларини бутун дунёга маълум қилди: «Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман».

Юртимизда бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида ватанимиз ва унинг толмас, фидойи раҳбари тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшаётган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор.

Президентимиз китобда алоҳида таъкидлаганларидек, «биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз».

Китоб кўп минг нусхада ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.

(ЎзА).

ФИДОЙИЛИК

У ҳаётни севади. Ўзи ихлос қўйган фан — она тили ва адабиётга меҳри янада ўзгача. Нафис ва жарангдор овози ила борлиқни тўлдириб муҳаббат, вафо, садоқат каби инсонийлик фазилатларини мадҳ этувчи шеъру достонларни ажиб эҳтирос билан айтганида қалбида қуёш кулади.

— Мунаввара, — дейди устоз опахони Каромат Исаева, — бахтли аёл. Муаллима бўлиш унинг орзуси эди. У ушалди. Касби бахш этадиган роҳатни кўзларди. Энди унинг шоҳиди. «Оила йили» ўқитувчининг ҳаёт саҳифасини безади. «Йил ўқитувчиси-98» республика танлови ғолибасини касбдошлари, тенгдошлари самимий табрикладилар.

Энг муҳими ва қизиғи шундаки, бу кўрикда Мунаввара қирқ кунлик чақалоғи билан қатнашди. Буни фақат Пскент туманидаги лицей жамоаси эмас, вилоят, республика танлов ҳайъатлари ҳам фидойилик деб эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, бу фидойилик, илм-маърифатга, касбга содиқлик тимсолидир. Бундайлар ҳар қанча ҳурмат ва ифтихорга лойиқдирлар.

СУРАТДА: «Йил ўқитувчиси-98» танлови ғолиби Мунаввара Ҳамидова.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«ТАШАББУС-98»

ҒОЛИБЛАРГА «ТИКО» АВТОМАШИНАСИ

ЁҒОЧ ўймакорлиги халқимизнинг қадимги ҳунармандчилиги турларидан биридир. Унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу касб эгалари ақл-заковати билан турли безаклар тушириб ясалган ёғоч буюмлари — дарвозалар, эшиклар, устунлар, рўзғор буюмлари ва бошқа маҳсулотлар бадиий асарлар даражасига кўтарилган. Улар ақлингни шоширади, завқингни оширади. Бундай ижодкорлик мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин беқиёс ривожланди.

Акмал Азларов ҳам шундай қўли гул усталарнинг бири. У яратган турли хил ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари кейинги вақтларда республикамизда қад кўтарган жуда кўп меъморий, маъмурий, маданий муассасалар биноларида ишлатилган ва ишлатилмоқда. Моҳир уста ҳунармандларнинг Чилонзор тумани бўйича ўтказилган анъанавий «Ташаббус-98» танловида ғолиб чиқди. Унинг ёғоч ўймакорлиги соҳасидаги муваффақиятлари республикамиз пойтахти ҳунармандларининг танловида ҳам юқори баҳоланиб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолиб сифатида унга шаҳар ҳокимининг мукофоти — «Тико» енгил автомашинаси топширилди.

«Ташаббус-98» танловида тадбиркорлик бўйича қатнашган «ПГС» хусусий корхонаси директори Полянте Грамитонович Свешников ҳам беллашув ғолиби бўлди ва у ҳам шаҳар ҳокимининг «Тико» русумли автомашинаси билан мукофотланди.

Тадбиркорлар ва ҳунармандлар беллашувида иккинчи ўринларни олганлар шахсий компьютерлар, шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилганлар эса рангли телевизорлар билан тақдирландилар. «Ташаббус-98» танловининг барча иштирокчиларига турли совғалар ва дипломлар топширилди. Ғолиблар тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг республика «Ташаббус-98» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Собир ҲАМИДОВ.

КИМДА-КИМ ҲАЁТДАН ОЛМАСА ТАЪЛИМ...

ИСЛОМ оламида ўта савобли, ниҳоятда эъзозли, саҳоватбардор, меҳру-оқибат, дину-диёнат билан қилинган фавқулодда буюк ишни «Тойиба» дерлар. Бундай содиқ ва киром аъмолларнинг соҳибини эса «Мутаййиб» деб атарлар. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавоблари ва матбуот нашрларида «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сарлавҳаси остида чоп этилган мазкур суҳбатни ўқир экан-ман ана шу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Айтиш мумкинки, нечанеча авлодларимиз вужудида, умр силсиласида, касбикорида, ҳаёт тарзида асрлар оша армон бўлиб келган орзу-умидлар, муддаою-мақсадлар, муроду маслаклар давлатимиз раҳбари жавобларида мумтоз бир ҳосила — таҳлилий талқинлар, ёркин масалалар, батафсил мулоҳазалар, холис хулосалар сифатида гўзал бир шаклда ифодалаб берилди.

Жавоблар айни маврудида эълон қилинди. Чунки, матнда айтилганидек, шу йил 16 февраль куни пойтахтимизда содир этилган мудҳиш воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида айрим чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва уйдирмалар билдирилмоқда эди. Улар орасида мутаассиб террорчи ва ҳиёнаткор кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндошиш ҳоллари учрай бошлади. Айрим муҳолиф ғанимлар Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлармиш, деб фол оча бошладилар. Бу жабҳадаги муаммолар жавоб кутмоқда эди.

Ҳар бир таълимот басират ва башорат, назария ва амалиёт тажрибалари асосига қурилади. Ислом дини ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ҳам ўзига ярашуқли мукаммал ва муфассал қонун-қоидалари, устун-рукнлари, кўрсатма ва тартиботлари бор. Шариат ва тариқат йўллари ниҳоятда пишиқ ва мустаҳкамдир. Зеро, ислом дини мўминларга Оллоҳ томонидан нозил қилинган экан, унда нуқсонлар бўлиши мумкин эмас. Инчунун, Оллоҳ ҳидояти ҳақиқат ҳидоятидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам айтганларидек, «Парвардигорим осмону заминдаги ҳар бир сўзни билур. У эшитгувчи ва англагувчидир» («Анбиё» сураси).

Бас, шундай экан, энг аввало, муслим бўлмоқликнинг «тамал тоши» бўлган беш шартни эслайлик. Биринчидан — Оллоҳни тан олмоқ, унинг ягоналигига шоҳидлик бермоқ. Муҳаммад унинг расули эканлигини эътироф этмоқ. Иккинчидан беш вақт намозни бекаму-кўст бажармоқ. Учинчидан — рўза тутмоқ. Тўртинчи — Ҳаж амалларини адо этмоқ. Бешинчи — закот фазилатларини жойига қўймоқ. Хўш, ана энди, таҳлилга ўтайлик.

Биринчи рукн — Оллоҳни, унинг ягоналигини тан олмоқ бўлса, бизнинг Президентимиз ҳали шўролар давридаёқ «Мени яратган Оллоҳ, мен Оллоҳдан барча саъй-ҳаракатларимда нажот ва ижобат сўрайман» демаганмидилар? Муҳтарам газетхон, раҳбаримизнинг барча — катта-кичик анжуманлардаги ирод этган нутқларини яна бир бор кўриб чиқинг, албатта, бунга амин бўласиз.

Муҳаммад Пайғамбар Оллоҳнинг расули эканлигини ким биринчи бўлиб эътироф этди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларидаёқ Расуллуллоҳнинг хобгоҳ, зиёратгоҳ жойларига ташриф буюриш учун ким фуқароларимизга йўл очиб берди?

Муқаддас Қуръонил-Карим, Ҳадису шариф китобларини янгитдан чоп эттирилганлигининг ўзиёқ бутун жаҳонда шовшув уйғотмадими?

Иккинчи рукн — беш вақт намозни адо этмоқ. Ана энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг. Биргина пойтахтимизда ёхуд Тошкент вилоятида бармоқ билан саноқли масжидларгина бўлиб, улар ҳам таъқиб остида эди. Ҳозир эса уларнинг сони юзлаб саналади. Мамлакатимизда уларнинг фаолиятлари қонун асосида ташкил этилди. Бошбошдоқликка, ўзибўларчиликка, тартибсизликка чек қўйилди. Бу эса парокандаликни, лоқайдликни, масъулиятсизликни, субутсизликни, тарқоқликни жуда-жуда истаган муртадларга, маҳъунларга, мулҳидларга ёқмади. Бу борада ҳам Президентимиз ўз Фармонлари билан риоятни жойига қўйдилар. Бундай тадбирларни амалга ошириш, динга қарши кураш эмас эди-ку?!Демократик ва ҳуқуқий давлатнинг ўз Конституцияси бор. Виждон эркинлиги, эътиқод ваҳдадлиги, фуқароларнинг диний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларни ким рад эта олади?!

Учинчи рукн — рўза. Ас-савм айёмларининг файзи-барокоти ҳаммага маълум.

Тўртинчи рукн — Ҳаж амали. Қўлни кўккакка қўйиб холисанлиллаҳ айтайлик, шўролар ҳукмронлигининг олтмиш-етмиш йиллари мобайнида Каъбатуллоҳга нечта одам бориб келди? Уларни хизмат сафарига борган деб ҳисоблаганда ҳам ўн-йигирмадан ошмайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб эса ҳар йили минглаб ватандошларимиз бундай савоблардан бахраманд бўлмоқдалар. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий тарзда берилаётган кўмаклар кимнинг раҳбарлигида амалга оширилмоқда? Боз устига Ийдур Рамадон, Ийдул-Қурбон айёмлари кимнинг шарофати билан дам олиш кунларига — байрам маъракаларига айлантирилди? Дунёвий давлат сифатида Ўзбекистонимиз жаҳон айвонига чиқди.

Бешинчи рукн — закот амаллари. Бева-бечоралар, етим-есирлар, ёлғиз қолган инсонлар, камхаражат оилалар, серфарзанд хонадонларнинг бошини силаган, уларга беқиёс ғамхўрлик билан паногоҳ бўлган, оталиқ қилган ким ўзи? Меҳр-шафқат уйлари, ота-онасиз болалар масканларига, ўсмир ёшларимиз қўналғагоҳларига йўналтирилаётган миллион-миллион маблағлар хайри-садақа эмасми? Ҳар йили байрамларда минглаб жажжиларни хушнуд этаётган Президент совғалари-чи? Нажоталаб хасталаларга тиббий ёрдам — бепул дори-дармонлар берилаётганлиги кимнинг саҳовати билан бўляпти? Ана, энди, Йўлбошчимизнинг жавобларида зикр қилинган сўзларни эшитинг: «...ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмиллоҳ айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукур» деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи?» Президентимиз минг бора ҳақ. Бундай инсон Ўзбекистонда йўқ, топилмайди ҳам. Фақат, Оллоҳнинг берган ризқ-рўзларига, ҳаётий неъматларига, оилавий ҳузур-ҳаловатларига, тинчлигу хотиржамлигига, мамлакатимиз ютуқларига, одамларимиз фаровонлигига, ширин-шакар турмушимизга шукроналар айтмаётган айрим кўрнамак кимсаларгина аксинча фикр юритиши, куфур сўзлар айтиши, иймон келтирмаслиги мумкин. Аммо, чин виждонли меҳнаткашлар «Дил баёр, даст бакор» шиори остида ишламоқдалар, моддий бойликлар яратмоқдалар,

Хўш, иймоннинг ўзи нимадир? У арабий калима бўлиб, «ишонмоқ» маъносини, ишонганда ҳам Оллоҳни ўртага қўйиб ишонмоқликни англатади. Албатта, иймоннинг ҳам ўз фарз ва амаллари, муайян чегаралари, бажарилиши лозим бўлган суннатлари мавжуддир. Демак, кимки ўшаларга яъни Оллоҳнинг ҳидоятига, ҳаёт ҳақиқатларига, эзгу тадбирларга тўлиқ амал қилган кишининг иймони мукаммал бўлғай. Акс ҳолда у иймонсиз ёхуд иймони суст кимсалар тоифасига мансуб бўлажак. Машойиҳлар дейдилар: «Оллоҳ таоло иймонни уч нарсадан яратди: нури пок, нури зот, нури ҳоқдан. Нури пок — Ҳақ таолонинг нури, нури зот — Ҳазрат Муҳаммад вассалоту вассалам нури, нури ҳақ — Одам Ато алайҳиссалом нуридир». Шул боис «феъли иймон» — жон билан, «ҳукми иймон» — тан биландир. Бу гаплардан хулоса чиқармоқ ҳар бир соф ниятли муслимнинг виждонига ҳавола. Бинобарин, кимда-ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим...

Биз ўз Ватанимизга содиқмиз, эътиқодда эркинмиз. Кўёшга тик боқиб бўлмас. Оқни қора дегувчи бўхтончиларни, тили бошқа, дили бошқа мунофиқларни, ғанимларимиз тувагидан яланиб турган ҳаромхўрлар, ибодат сароб эмаслигини тушунмаётган ақидапарастларнинг эса, шубҳасиз, Оллоҳ таолонинг қаҳру-ғазабига, юртдошларимизнинг нафратига гирифтор бўлажаклари аниқ ва равшандир. Қуръонил-Каримнинг «Инфитор» ҳамда «Мутаффиф» сураларида айтилганидек, «Шаксшубҳасиз адоваткор кимсалар дўзахидирлар». «Мушриклар ўзлари қилиб ўтган қилмишларининг жазосини, албатта, олажаклар». Чунки, даъво билан ҳеч ким даҳо бўлолган эмас. Зеро, Президентимиз ўз жавобларида таъкидлаганларидек, «Биз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз».

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Муносабат

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ҚАЧОН ТЎЛАЙСИЗ?

БОЗОР муносбатлари шароитида етказиб берилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматлар учун ўз вактида ва тўла ҳисоб-китоб қилиш хўжалик юритишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, газ, сув, электр ва иссиқлик қувватларидан белгиланган тартибда фойдаланиш, улар ҳақини ойма-ой тўлаб бориш айниқса муҳим.

Тошкент вилоятида кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар амалга оширилаётир. Масалан, Тошкент Электр тармоқлари корхонаси вилоятдаги 400 мингдан ортиқ истеъмолчини электр ва иссиқлик билан мунтазам таъминлаб келмоқда. Ўтган йили электр қуввати узатиш белгиланган меъёр доирасида амалга оширилди. Бироқ, вилоят прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар бу борада талай камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Боз устига, фойдаланилган энергия ҳақини тўлаш кўп ҳолларда пайсалга солиб келинмоқда. Натижада, муддати ўтиб кетган қарзлар миқдори 659 миллион сўмга етган. Аммо, электр тармоқлари корхонаси нима учундир интизомсиз истеъмолчиларга биронта ҳам эътироз хати юбораётгани, қарзларни ундириш юзасидан ҳеч қандай чора кўраётгани йўқ.

Энергия манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида соҳа назоратчиларини ҳам ўз хизмат ваколатларидан тўлиқ фойдаланяпти, деб бўлмайди. Жумладан, Қибрай туман Электр тармоқлари корхонаси Электр ҳисоблаш бўлими муҳандислари томонидан 1998 йил давомида электр энергиясидан фойдаланишда ҳуқуқбузарлик содир этган 21 шахсга нисбатан тегишли баённома тузилган, аммо улар амалда ижросиз қолиб кетган.

Бугунги кунда вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, унинг таркибидаги 38 корхона ва ташкилот аҳолига янада тўлароқ хизмат кўрсатиш йўлида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжини тўлароқ қондириш, коммунал хўжалик соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли дастурига мувофиқ ўтган йили 86,3 километр масофада газ қувури, 3,5 километр сув тармоғи ётқизилди. Иссиқлик энергияси қувурлари ҳам узайтирилди. Меҳмонхоналар, ҳаммомлар, кўкламзорлаштириш корхоналари хусусийлаштирилиши натижасида улар фаолияти жонланмоқда.

Бироқ, Коммунал хизмат тизими тасарруфидаги бошқа мулкларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланишда бир қанча хўжасизлик ҳоллари мавжуд. Бирлашма корхоналаридаги транспорт воситалари, дастгоҳлар, иш қуроллари деярли қаровсиз аҳволда. Уларнинг ярмидан кўпи таъмирга муҳтож. Ана шундай бир шароитда тизимдаги айрим корхона раҳбарларининг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, давлат ва жамоа мулкини талон-тарож этишига нима дейсиз. Чиноз туман Коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари А. Нурматов, «Олмалиқгаз» идораси раҳбари Ш. Асамовнинг қинғир ишларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Олмалиқ шаҳар «Сувоқава» бошқармаси бош ҳисобчиси Т. Пеняк Касаба уюшмаси раиси М, Мунаввара ва ҳамда ғазначи Т. Шипилова билан жиноий тил бириктириб қалбаки ҳужжатлар воситасида давлатнинг 117 минг 650 сўм, Зангиота туманидаги «Ҳамкорлик» фирмаси ғазначиси М. Ҳамдамова олинган пулларни кирим қилмаслик орқасидан 10 минг 990 сўм маблағини ўзлаштириб юборгани фикримизга далил бўлади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳам вилоятда тўлиқ бажарилаётгани йўқ. Масалан, Оҳангарон шаҳри 4-даҳасидаги бир қанча кўп қаватли уйлар қишда деярли иситилмай келди. Прокуратура идоралари ходимларининг аралашуви билан бу борадаги камчиликлар бартараф этилди ва истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди. Қўйичирчиқ тумани газ тармоқларида босимнинг пастлиги оқибатида аҳолини табиий газ билан таъминлашда рўй бераётган узилишларга барҳам беришнинг ҳам зарур чоралари белгиланди.

Коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда шартнома муносабатларини ҳам ривожлантириш лозим. Афсуски, Тошкент вилоятида масаланинг ана шу томонига панжа орасидан қараб келинмоқда. Масалан, Бўстонлиқ тумани Коммунал фойдаланиш бошқармасида уй-жой эгалари билан 27 минг 337та шартнома тайёрланган. Аммо уларнинг аксарияти истеъмолчилар томонидан имзоланмаган. Бу эса коммунал хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билишдан маҳрум этади. Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси корхоналари бўйича дебитор қарзларнинг кўпайиб, уларнинг муддати ўтиб кетаётгани ҳам ана шундан келиб чиқаётган бўлса ажаб эмас.

Неъмат ДУШАЕВ.

НАВБАТДАГИСИ ЧИРЧИҚДА БЎЛДИ

ЧИРЧИҚДА ҳам шаҳар тадбиркорлари ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг «Ташаббус-98» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокими таъсис этган мукофотни қўлга киритиш бўйича уюштирилган бу тадбир қизғин курашга айланди. Тадбиркорлар ва ҳунармандлар уч йўналишда бир-бирлари билан мусобақалашдилар. Улар ўз корхоналари ва ҳунарларини тақдим этдилар, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ёки кўрсатаётган хизматларини таърифлаб бердилар ва ниҳоят назарий билимларини намойиш этдилар.

Тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги мусобақага ҳакамлик қилган ҳайъат биринчи ўринни «Гадес» масъулияти чекланган жамиятга беришга қарор қилди. Бу турда иккинчи ўринни «Мутахассис» кичик корхонаси эгаллади, учинчи ўрин эса «Латофат» хусусий фирмасига насиб этди.

Халқ амалий ва бадиий санъати билан шуғулланувчи Ирина Ан, Владимир Пелех ва Фанис Ахметзяновлар якка тартибда меҳнат қилувчилар орасида ғолиблик қилдилар. Уларга шаҳар ҳокимлиги, шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг мукофотлари топширилди.

Шокир ТЎҒОНОВ.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Ўртачирчиқ туманидаги Металл-тажриба корхонаси жамоаси бу йил буюртмачиларга бир миллиард сўмлик қурилиш материаллари жўнатади. Бу ўтган йилга нисбатан деярли икки баравар кўпдир.

Пойтахтимиздаги бир қатор иншоотлар, шунингдек, Қўнғирот Сода заводи, Толимаржон ГРЭСи қурилишларига маҳсулот етказиб бераётган мазкур корхона жамоаси айни пайтда Ангренда барпо қилинаётган «Каолин» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси буюртмасини бажармоқда. Ишлаб чиқариш қатъий шартнома асосида йўлга қўйилгани қўшимча иш ўринлари яратиш, хизматчилар моддий манфаатдорлигини ошириш имконини бераётир.

ЎзА мухбири.

Тақдимот

ТРИРДА ЎЗБЕКИСТОН КЕЧАСИ

ТРИР шаҳрининг «Фетценрайх» маданият марказида маҳаллий университетнинг ташқи алоқалар бўйича академик хизмати ҳамда шаҳар олий таълим муассасалари католиклар жамоасининг Ўзбекистон Республикасининг ҒФРдаги элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирган Ўзбекистон Республикасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Трир университетида таҳсил олаётган «Умид» жамғармаси стипендиатлари ўзларининг олмон дўстлари кўмагида мамлакатимиз тўғрисида қизиқарли ва мароқли дастур тайёрладилар. Даврада икки юзга яқин киши — сиёсат ва ишбилармон доиралари вакиллари, олимлар ва таълим муассасалари ўқитувчилари, журналистлар, талаба ёшлар, шу жумладан, Германиянинг бошқа олий таълим муассасаларида таълим олаётган «Умид» жамғармаси стипендиатлари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон кечасининг Европанинг бой маданият марказларидан ҳисобланган айни Трирда ўтказилиши унинг қатнашчилари фикрича, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг ёркин мисолидир.

Трир университети президенти, профессор Р. Хеттих кечани очар экан, меҳмонларни қутлаб, Ўзбекистон тақдимоти мамлакат иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий ҳаётининг хилма-хиллиги тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиш, ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамасдан замонавий юқори малакали кадрларни тайёрлашга муҳим аҳамият бераётган жамиятни янгилаш жараёнининг осон эмаслигини чуқур тушунишга нодир имконият яратди.

— Аминманки, — деди Р. Хеттих жаноблари, — жаҳон тажрибасига кўп жиҳатдан мослашган Ўзбекистон таълим тизими яқин келажакда жамиятни муваффақиятли ва тадрижий суратда ислоҳ этишга кучли туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу муносабат билан Р. Хеттих мамлакатимиз олий таълим муассасалари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга бўлган қизиқишини изҳор этди. Шу билан бирга Трир университетида билим олаётган ўзбек талабаларининг сони бундан ҳам зиёда бўлиши мумкинлигини таъкидлади ва олий таълим муассасасининг уларни қабул қилишга тайёрлигини таъкидлади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, XIV асрда таъсис этилган Трир университетида ҳозирги пайтда 15 мингга яқин талаба халқаро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар, психология, археология, тарих, илоҳиёт, фалсафа, шарқшунослик, математика, меъморчилик, қурилиш, маркетинг, менеджмент, саноат иқтисоди ва бошқа ихтисосларни эгаллаш учун таҳсил олмоқдалар.

Тақдимот қатнашчиларига мурожаат этиб, олий таълим муассасалари католиклар жамоаси раҳбари, «Фетценрайх» маданият маркази директори Г. Анхайр инсон билан инсоннинг шахсий алоқаларини, ҳаттоки ўта замонавий коммуникация технологиялари ҳам ўрнини боса олмаслигини таъкидлади. Шунинг учун Ўзбекистон билан кечада ҳозир бўлган фуқаролари орқали тўғридан-тўғри танишиш муҳимдир. Биз Ўзбекистоннинг нафақат маънавий қадриятларни қайта тиклаш, балки уларни ёш авлод онгига сингдириш йўлида олиб бораётган ишини юқори баҳолаймиз.

Тақдимотда сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси В. Норов кеча қатнашчиларига мамлакатимизга бўлган эътибор учун миннатдорчилик изҳор этиб, республиканинг мустақиллик йилларида иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида эришган ютуқлари тўғрисида сўзлаб берди.

Трир университети профессори К. Пандернинг мамлакатимиз тўғрисидаги диафильмлар намойиши билан қўшиб олиб борган «Ўзбекистон кеча ва бугун» мавзуидаги чиқиши ҳозир бўлганларда ёркин таассурот қолдирди. Профессор Пандер ўзининг мароқли ҳикояси якунида Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлари, бой маънавий мероси билан жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган мамлакат ўз тарихи билан ҳақли равишда фахрланиши мумкин, деб айтди. Шу муносабат билан у Ўзбекистон тажрибаси бугуннинг ўзида бирдамлик ва ҳамкорликка ундовчи тинчлик маданияти ғояларини ҳаётга реал тадбиқ этишга яхши мисол бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлади.

Тақдимот қатнашчилари, шунингдек, амалий санъат асарлари тўплами, миллий асбоб-анжомлари билан танишдилар. Ўзбек таомлари мазасини тотиб кўрдилар.

Эссен университетида таҳсил олаётган Тошкент консерваторияси аспиранти Барно Аҳмеджанованинг чиқиши дастурнинг муносиб равишда якунланишига хизмат этди. Унинг ижросида машҳур олмон бастакори Брамс, ҳозирги замон Ўзбекистон бастакори Янов-Яновскийнинг фортепьяно учун асарлари янгради. Эртаси куни «Трир Фолксфройнд» кундалик газетаси тақдимот тўғрисида кенг ҳисоботни нашр этди. Унда таъкидланишича: бой, ранг-баранг дастур ва чиройли безалган зал «Ўзбекистонга бағишланган кечани ҳақиқатан ҳам «Минг бир кеча»даги бир эртакдек ўтказишга имкон берди»...

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Бонн.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

● АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон табиий офатдан зарар кўрган Марказий Америка мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқди. У Никарагуа, Гондурас, Сальвадор ва Гватемалада бўлди.

● ҚОҲИРАДА Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак билан Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Фаластин давлати эълон қилинадиган кунни белгилаш масаласи бўйича биргаликдаги режа ишлаб чиқилди.

● ТУРКМАНИСТОН пойтахти Ашгабатда Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати вакиллари ўзларига қарши иттифоқ делегацияси билан музокаралар олиб бордилар.

● ГРУЗИЯНИНГ Тбилиси шаҳрида «Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти XXI аср бўсағасида» деб аталган мавзуда халқаро анжуман ўтказилди.

● БМТнинг Македониядаги тинчликни сақловчи кучлари мандати тугади. Ҳарбийлар ўз уйларига қайтишни кутмоқдалар. Лекин, уларнинг маълум бир қисми НАТОнинг Косоводаги тадбирларида иштирок этиши ҳам мумкин.

● СУРИЯ билан тинчликка эришиш Исроил учун қимматга тушади, деб баёнот берди Исроил мудофаа вазири Моше Аренс. Бунинг учун Сурияга Жўлон тепаликларини қайтариш ва мазкур мамлакатнинг Киннерет кўлига чиқиши учун йўл очиб берилиши керак.

● ХИТОЙ жорий йилнинг охирига бориб, Вьетнам чегараларига туташ сарҳадларни ер усти миналаридан тозалашни ниҳоясига етказажаклигини маълум қилди. Бу жараён 1997 йилда бошланган бўлиб, ҳозиргача Гуанси-чжуанси мухтор туманидаги 91та майдон «ажал уруғлари»дан тозаланди. Натижада, 160 минг дона мина йўқ қилинди.

● СЎНГГИ кунларда жаҳон бозорларида нефть нархи 12 фоизга кўтарилди.

● «ҚИЗИЛ кхмерлар» раҳбарларидан бири, «Қассоб» лақабини олган Та Мак Камбоджада ҳибсга олинди. У 1,7 миллион кишининг ёстиғини қуритишда айбланмоқда. Халқаро ташкилотлар унинг судга берилишини талаб қилмоқдалар.

ЖАНЖАЛ БАРҲАМ ТОПИШИ КЕРАК

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонларида Африка қитъасидаги икки мўъжаз давлат — Эфиопия ҳамда Эритрея ўртасида чегара масалаларида келиб чиққан келишмовчиликлар, шу баҳона бошланиб кетган уруш ҳаракатлари тўғрисида хабар берган эдик. Мана, бир ойдан ошдики, қуролли тўқнашувлар босилаётгани йўқ.

Можаролар тарихини яна бир бор эслатиб ўтамиз. 80-йилларнинг охиларида Менгисту Хайла Мариамнинг шўроча тузуми емирилгач, 1993 йилда ўтказилган умумхалқ сўровидан сўнг Эритрея мустақил давлат сифатида Эфиопиядан ажралиб чиққан эди. Аммо, ҳар икки мамлакат ўртасидаги чегара жанжаллари асосида тортишувлар давом этаверди.

1998 йилнинг 12 май куни Эритрея Эфиопиянинг Тигра вилоятидаги 400 квадрат километрлик ҳудудни босиб олди. Ана шундан сўнг қуроллар ишга тушди. Шу йилнинг 5 февраль куни Эфиопиянинг Бадме-Шираро ва Заланбесси аҳоли масканлари ўққа тутилди. Эритрея тайёралари Адди-Град шаҳрини ҳам бомбардимон қилдилар. Шу тариқа 1998 йилнинг июнь ойида икки давлат ўртасида АҚШ воситачилигида имзоланган ҳаводан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги битим бузилди.

Орада БМТ, Африка Бирлиги Ташкилоти ва бошқа йирик давлатлар раҳбарлари икки ўртадаги урушни тинч йўл билан ҳал этиш имкониятларини излай бошладилар. Лекин, Эфиопия Эритрея босиб олган ҳудудларни ташлаб чиқиб кетиши керак, бу ҳудудлар тарихан бизга тегишли, деб турипти. Эритрея эса ўз навбатида аслида урушни Эфиопия бошлади, деб даъво қилмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари натижалар бера бошлаганлиги элас-элас кўзга илинмоқда. Жумладан, Оврупо Иттифоқига раислик қилаётган Олмония Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги можарони тинч йўл билан бартараф қилиш борасидаги лойиҳанинг Эритрея ҳукумати томонидан тасдиқланганидан мамнуният билдирди. Бир неча кун аввал бу ҳужжатни Эфиопия ҳам тасдиқлаган эди. ОФР ташқи ишлар вазирлиги баёнотида айтилишича, мазкур лойиҳанинг бажарилиши БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳамда Оврупо Иттифоқи назоратида бўлади.

Оврупо Иттифоқи ҳар икки давлатни ярашишга ҳамда бир-бирига ўт очиш ва қўпорувчилик ҳаракатларидан тийилишга даъват этди. Келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш учун қулай имконият туғилди, дейилади мазкур баёнотда.

ХУДО ХОҲЛАСА, ИШОНЧ БОР

15 МАРТ ҳам яқинлашиб қолди. Ўша куни Париж яқинидаги Ромбуйе қасрида Косово муаммосини ҳал этиш юзасидан олиб борилган ва вақтинча тўхтатилган музокаралар қайта тикланади. Косоволикларни бўлажак мулоқотларда эришилган ҳужжатларни имзолашга кўндириш учун Югославияга ташриф буюрган республикачиларнинг сенатдаги собиқ раҳбари, АҚШ сенатори Роберт Доул Югославия ҳудудига киритилмагач, у музокараларни Македониянинг Скопье шаҳрида ўтказди. Учрашувлар охирида Р. Доул косоволиклар икки ўртада тузиладиган шартномаларни имзолашга тайёр эканликларини маълум қилди.

Косово ва Сербия ўртасида тузиладиган тинчлик аҳдномасининг ижобий баҳоланаётганлигини Оврупода Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебэк ҳам тасдиқлади. У яқинда Приштинада косоволик албанлар раҳбарлари ҳамда серб жамоатчилиги вакиллари билан учрашиб, тинчлик аҳдлашувининг имзоланиши ва ўлкага халқаро кучлар киритилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашувда албанлар 15 мартда бошланадиган музокараларда сербияликлар билан муросага келишига ишонч билдирилди.

ЭШИКЛАР ОЧИҚ

ЧЕХИЯНИНГ НАТОга қабул қилинишини Овруподаги қатор мамлакатлар раҳбарлари қўллаб-қувватламоқдалар. Франция президенти яқинда Чехия раҳбари Вацлав Гавел билан бўлган учрашувда ана шундай муносабатни изҳор этди. Ж. Ж. Ширак Шимолий уюшма эшиги унга аъзо бўлишни ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришни истаган барча давлатлар учун очиқ эканлигини таъкидлади.

САЙЁҲЛАРДА НИМА АЙБ?

ЎТГАН ҲАФТА бошларида Уганданинг ёввойи ҳайвонлар боғида сайр қилиб юрган бир неча хориждик сайёҳлар жиноятчи гуруҳлар томонидан ўғирлаб кетилган эди. Бир неча кундан сўнг уларнинг саккиз нафари маҳв этилганлиги тўғрисида совуқ хабар тарқалди. Ўлдирилганлар орасида турли мамлакатларнинг фуқаролари бор эди.

Янги Зеландия ҳукумати икки нафар ўз мамлакати фуқаросининг ўлдирилганидан қаттиқ қайғуга тушганлигини маълум қилди.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Дон Маккиннон ушбу қотилликни қоралаб, ҳимоясиз сайёҳларни ўлдирган кимсалар қилмишига яраша жазо олажаклигини билдирди. У Угандага қиладиган сафари давомида мазкур мамлакат ҳукумати билан сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича музокаралар ўтказажаклигини айтди.

ҲАТТО, «СОНИ» ҲАМ ҚИЙНАЛМОҚДА

УЗОҚ ШАРҚ ҳамда Тинч уммони минтақасидаги иқтисодий ва молиявий бўҳронлар энг бакувват ҳисобланган Японияга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётганга ўхшайди. «Кун чиқиш мамлакати»нинг «Сони» электро-техника корпорацияси 2003 йилгача 17 минг ходимни ишдан бўшатажаклигини эълон қилди. Бундан мақсад корхонанинг фаолиятини тубдан қайта қуришдир.

«Сони» Япониянинг энг йирик ва катта даромад кўрадиган компанияси ҳисобланади. Бироқ, ана шундай бакувват компания ҳам мамлакатда намоён бўла бошлаган иқтисодий танглик туфайли маълум қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. «Сони»нинг ишчи ўринларини қисқартириш ва тузилмавий ўзгартишлар ҳақидаги қарори сармоядорлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. «Сони» акцияларининг баҳоси кундан-кунга қимматлашиб бормоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ҲОЗИР жаҳон бўйича Моника Левинскини танимайдиган одам бўлмаса керак. Яқинда ушбу хоним Оврупо бўйлаб сафарга отланди. Саёҳат қилиш учун эмас, пул ишлаш учун... 5 март куни у Лондонга келди. Бу ерда малика Диана таржимаи ҳолининг баёнини ёзган Эндрю Мортоннинг янги «Моника тарихи» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб учун тўланадиган 1,5 миллион долларнинг қоқ ярмисини Моника олди. Ундан ташқари «шов-шув қироличаси» Италия, Олмония ва қатор Скандинавия мамлакатлари телекомпаниялари билан бир миллион долларлик интервьюлар учун шартномалар тузди. У ўша мулоқотларда ўзининг «ишқий саргузаштларини» гапириб бермоқчи.

● ЯҚИНДА Мексиканинг Самалаюк қўрғонида маҳаллий ўзўзини бошқариш идоралари учун сайлов бўлиб ўтди. Қизиғи шундаки, ҳамма ўринларни аёллар банд этди. Сайловда биронта эркак учун овоз берилмади. Ҳатто, маҳаллий полиция участкасининг ходимлари ҳам эндиликда аёл қўмондон раҳбарлигида фаолият кўрсатадилар. Маҳаллий сайловчи Ноэль Рамирес «илгари бизни танқид қилишарди, ана энди кўриб қўйишсин, эркаклар фақат ошхонада ишлайдиган бўлдилар» деб кулади. Аёлларнинг сайланганлиги яхши. Бироқ, улар қўлга киритилган ҳокимиятдан тўғри фойдалана олишармикин?!

● БИР НЕЧА кун муқаддам мисрлик деҳқон, 114 ёшга кирган Фоиз Султон 17 яшар қизга уйланажаклигини эълон қилди. Бироқ, унинг тўнғич ўғли — 80 яшар Муҳаммад унга қарши чиқди. Чунки, ота бутун меросини «янги ойи»га қолдирмоқчи эканлиги маълум бўлган эди. Қоҳирадан 250 километр узоқликда бўлган Сохаг вилоятининг полицияси отахоннинг 45 набира, 7 ўғил ва қизларини йиғиб, масалани яхшиликча ҳал қилмоқчи...

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 15

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Наврўз».
9.40 Лирик тароналар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.45 Кундузги сеанс. «Малласоч малика». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.40 «Оламга саёҳат».
13.00 Тоҳир Малик. «Алвидо, болалик». А.Бакиров номидаги Андижон вилоят Ёшлар драма театрининг спектакли.
14.10-14.55 «Муҳаббат дарси».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.30 «ТВ-патруль».
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қонун ва биз».
21.40 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.
23.05 **«Маънавият»**.
23.50 «Ахборот».
00.20 Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Кувноқ учрашув», «Мультгомоша»)
18.40 «Муғанний».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Темурнома»: Менинг бир боғим борки.
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Изқувар Заррос». Телесериал. Сўнгги қисм.
20.45 «Жаҳон».
21.05 «Илк қадам». 1-қисм.
21.35 Эгиз қўшиқлар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Оилавий жанжал».
00.25 «Сурур».
00.40 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Кувноқ алдоқчи». Мультфильм.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.20 «Талабларга биноан».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Спорт-тайм».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Саргузашт фильмлар экрани.
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Ёш изҳори».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 1-серия.
17.25 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
17.55 Клип-антракт.
*
18.15 «Бу эрмак жониворлар».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
*
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
20.35 «Қўқонди латиф ёдгорликлари». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Шов-шув». Телесериал.
22.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.30 «Вақт хазинасидан».
22.45 «Замонавий дизайн».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс. «Бу — ҳаётдир». Бадиий фильм.
01.05 «Ахборот» (рус тилида)
01.30-01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муҳаббатим — қалб ардоғим». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 Кундузги сеанс. «Бешиб». Бадиий фильм.
12.05 «Мактублар — кабуторлар».
12.35 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.50 «Жалолиддин Мангуберди». Публицистик кўрсатув.
13.10 «Баҳор нашидаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10-14.40 «Аёл оламни асрар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Орзули олам бу».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
18.50 «Юрт ҳавоси — тан давоси».
19.05 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалб минбари».
21.25 «Тоғлар тароналари». Ориф Одилхонов.
22.05 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Кавингтон Кросс». Кўп серияли бадиий фильм. 1-2 серия.
23.45 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Кинотитсия».
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Ёшлар» телеканалида премьера «Полиция комиссарияси». Телесериал.
20.50 Парламент.
21.05 «Марду майдон».
21.25 «Темурнома»: Шоҳизинда.
21.45 Озода Нурсадова куйлайди.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 «Олтин тонгнинг сири». Бадиий фильм.
23.45 «Шарқ эстрадаси».
24.00 Тунги сеанс. «Марҳумлар либос кийишмайди».
01.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланадиг».
18.25 «Ташналик». Телесериал.
19.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.20 «Ҳиндистондан салом!» Мусиқий тўплам.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Суҳбатдош».
22.15 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Бешинчи ўлчов».
23.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Жонли тил».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 1-серия.
17.25 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
17.55 Клип-антракт.
*
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 «Мавзу».
*
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Сериал.
20.30 «Тошлар камалаги». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ-4 да немис тўлқини».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Ўт ўрувчи». Фантастик фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 - 01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоаси — 40 ёшда.
9.00 «Зийнат».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 Тэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.00 «Рақс, рақс, рақс...»
11.25 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.20 Кундузги сеанс. «Кавингтон Кросс». Кўп серияли бадиий фильм. 1-2 серия.
14.10-14.25 «Қизиқарли учрашувлар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сени Ватан кутади!»
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Шеър ва шуур».
18.50 «Имконият».
19.10 «Ассалом, футбол баҳори!»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Оғаҳий таваллудининг 190 йиллигига. «Латиф лутфу- наволар».1-қисм.
21.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 30-қисм.
22.35 «Киёфа».
«Тунги ҳамроҳ».
23.05 «Мўъжаз Ватан». Композиция.
23.25 «Ёшлар ва эстрада».
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ўйна, болажон, ўйна», «Мультгомоша»)
18.45 «Равнақ».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Ракурс».
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.40 Эълонлар.
20.35 «Ринг».
20.50 «Рақслар қанотида»
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Илк қадам». 2-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.45 Футбол. УЕФА кубоги.
00.15 «Хит коллекция».
00.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Ташналик». Телесериал.
19.15 «Глинка-44».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Усто». Телелавҳа.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Менинг Тошкентим!». Муаллифлик кўрсатуви.
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.25 «Кўзгу». Тележурнал.
00.45 Эстрада концерти.
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дурдаршан».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 3-серия.
17.45 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
*
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 «Инсон ва қонун».
*
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Сериал.
20.30 «Наврўз келганда». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дин изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Ўйин». Бадиий фильм. Бош ролда Майкл Дуглас.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 18

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Олам қўшиқда тўлсин». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 30-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳриғиё».
10.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Наврўз — баҳор айёми».
10.45 «Диёр». Тележурнал.
11.20 «Дилкирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 Кундузги сеанс. «Олтин занжир». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек қуйларидан концерт.
14.10-14.30 «Инсон ва замин».

Тележурнал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Алпа». Премьера
18.45 «Дастурхон нонга тўлсин».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик»-«Пахтакор» (Ёзиб олинган)
23.45 «Ахборот».
00.15 «Сомон йўли».
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 30-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлик формуласи».
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Мулоқот».
20.55 «Санам».
21.20 «Бизнес академия».
21.40 «Мумтоз наволар». Ака-ука Саидовлар куйлайди.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги сеанс. «Тилсим».
00.35 Футбол. Чемпионлар лигаси.
01.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Ташналик». Телесериал.
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.45 Эстрада куйларидан концерт.
22.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.20 «Нафосат гулшани».
22.50 «ДАРАКЧИ.»
23.00 «Жаҳон спорти».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Ассалом, Франция!»
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Полиция академияси-1». Бадиий фильм.
17.30 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.00 Клип-антракт.
*
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 «Йўқотилганларни излаб...» «Катта вальс» қўлдузи Милица Корьюс. Кўрсатувни Г.Скороходов олиб боради.
*
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Сериал.
20.30 «Ўзаллик яратувчилар». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Спорт-клуб».
22.40 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. «Индиан Жонс хроникаси». Саргузашт фильм.
01.25 «Ахборот» (рус тилида)
01.50-01.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 19

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Кўшигимдасан, Ватан!». Мусиқий дастур.
8.55 «Ишкома». Адабий кўрсатув.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Бўлбулчанинг парвози».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оламни асранг».
10.25 Немис тили.
10.55 «Абадият қўшиғи».
11.15 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа.
12.05 «Талаб ва таклиф».
12.30 Кундузги сеанс. «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Хоразм» (Ўрганч)
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Ҳиммат».
18.45 «Ташаббус-98». Кўрик танлови.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Баркамол авлод орзуси».
21.30 «Юрак кенгликларида». Мусиқий дастур.
«Спорт» дастури:
22.05 1. «Эркин ва юнон рум кураши бўйича мустақиллик кубоги халқаро турнири.
2. «Футбол майдонларида».
22.50 «Ахборот».
23.25 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Кавингтон Кросс». Кўп серияли бадиий фильм. 3-4 серия.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар», «Мультгомоша»)
18.35 Ҳужжатли кино бисотидан: «Илк қадам».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Маънавият ва ёшлар».
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Наволарда айён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.15 «Автосаэтанат».
21.30 «Меҳр — кўзда».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Синема». «Жория».
24.00 «Шарқ оҳанглари».
00.15 «Мунаввар тонг ислоҳ!»

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.20 «Баҳор тароналари».
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Онагинам».
11.35 «Дарднингизга даво».
11.45 «Фаровонлик бекати».
12.10-13.50 «Кинонигоҳ».
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий мехмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.45 «Саодат калити».
22.05 «Рақс ҳаётим».
22.30 «ДАРАКЧИ».
22.40 «Спорт оламида».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 «Кинонигоҳ».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 Мюзик-холл.
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Полиция академияси-2». Бадиий фильм.
17.30 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.00 Клип-антракт.
*
18.15 «Жентльмен-шоу».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 Кинематограф. «Бони ва Клайд». Бадиий фильм.
01.30 «Ахборот» (рус тилида)
01.55-02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 20

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ғаройибот».
9.25 «Нафосат». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
10.55 «Кичкинтой устахонаси».
11.15 «Ўҳшаш чеҳралар».
*
11.55 «Ҳазрати Инсон».
12.10 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
12.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.45-15.10 «Манзил». Бадиий-публицистик кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «

1999 йил — Аёллар йили

БИЗНИНГ ҚИРҚТА ЖОНИМИЗ

—Уф-ф! Иш дегани намунча қайнаб-тошмаса-я! Столимнинг устида-ку, нинадек очиқ жой йўқ, уёкка қарасам ҳам, бу ёкка қарасам ҳам иш. Беихтиёр стол тортмаларини бирма-бир оча бошлайман. Ҳаммасида қатор тахланган... иш! Қачон улгураман буларнинг барисига-я?

Ўзимни юмушдан бироз чалғитмоқ бўлиб, қоғозлар тагидаги рангли журнални олиб эндигина варақлагандим, орасидан кичкина қоғозча учиб тушди. Йирик-йирик ҳарфларда қинғир-қийшиқ алланималар ёзилган шу қоғозгача бирпас тикилиб қолдим. Ие, ўзимнинг дастхатим-ку! Дарров қўлимга олиб ўқидим: ЙИЛЛИК ҲИСОБ-КИТОБ. ЭНГ КЎП ҚАТНАШГАН МУАЛЛИФ. РЎЙҲ. БИР ЙИЛЛИК ХАТЛ. ЎРГ. АРИЗА. ТАКЛ. МУЛОҲ. ЯНГИ ОЙ ИШ РЕЖАСИ. ҲАММАСИНИ ТЕЗРОҚ ТАЙЁРЛАШ К-К! Эсимга тушди, ўзимга юкланган бу вазифаларни кеча эрталаб жамоа йиғилишида тез-тез ёзиб олувдим. Яхшиям журнални очиб қараганим. Бўлмаса ҳалигача калавамнинг учини тополмасдан...

Бадиа

Ишхонадан кечроқ чиқдим. Уйга шошиб турган пайтингда метроям секин юраётгандек туюлаверади. Зимдан ён-веримга қарайман. Гўёки мендан бошқа аёллар осойишта, уйига ҳам шошилмаётгандай. Анави аёл... Ёнидаги ўзи тенги жувонга ниманидир пичинглайди-да, сўнг овозининг борича кулиб юборади. Бошқалар унга ўгирилиб қарайди. У эса бунга парво ҳам қилмасдан қизғин «суҳбат»ни яна давом эттиради. «Шу аёлнинг бирор ташвиши бормикин-а», — дея ўйлай бошлайман энди. — Уйида эри ёки қайнонаси кечки овқатни милдиратиб ўтиргандир-да. Ёки музлатгичда турган тайёр овқатни ситиб... Якинда қайсидир журналда ўқидим. Америкада аёллар якшанбада то кечгача уриниб, ҳафтанинг етти кунига етадиган егуликларни пиширишаркану музлатгичга жойлаб қўйишаркан. Қарабсизки, ҳафта бўйи иссиқ таом тайёрлашнинг ташвишини қилишмайди. Агар бордию бизда ҳам шундай одат.. Йўғ-э, эркакларимиз бунга кўнишмайди-да! Уларга кунига дастурхонда ҳиди гуркираб турган қайноқкина овқат бўлиши керак.

Ҳая, мен бугун нима овқат қилсаммикин? Ҳарҳолда тезроқ пишадигани тузук. Вой эсим қурсин, ахир қизимга чучвара қиламиз деганманку. Ҳозир унинг ўзиям балкон деразаси оша йўлимга кўз тикиб ўтиргандир. Уйимиздаги шу «митти зўравон» чучварани айниқса хуш кўради, тез-тез ёдимга солиб турадиган ҳам шу қизалоқ. Ўзи-ку, бу овқатдан ҳеч ёлчитиб емайдия. Лекин хамирни ёйиб бўлишим биланоқ жажжи фартуғини тақиб ёнимга келиб ўтиради-да, кесилган хамирларни битталаб эзиб, янчиб, қийшиқ-қинғир чучваралар тугиб, сўнг ўз ишидан ўзи завқланиб... Аслида энг қизиғи шу унга! «Ҳа майли, чучвара бўлса чучвара-да! Уйда гўшт бормиди? Бор. Ун-чи? Бор. Бозорга кирмасам ҳам бўларкан!»

Уй томон бурилаётиб йўлагимизда турган аёлга кўзим тушди. Ён қўшним. «Янгилик» хола! (Биз қўшнилар бу аёлни орқаворотдан шундай атаймиз). Ўзи ишламайди, «невара боқаман» деб бултур идорасидан бўшаб олган. Лекин кунига кечқурун «қўшнилар билан омонлашай» деб ҳовлига чиқади. Аслида омонлашиш бир баҳона, ишдан қайтаётган ҳар қўшнини тўхтатиб, нақ ярим соатдан гаплашади. Ўзи қизикда, биз ишда юриб бехабар қолган «янгиликлар»дан бу аёл уйда ўтириб хабар топади. Ҳозир ҳам мен билан елкамга қоқиб кўришаркан, дарров гап бошлади:

— Янгиликни эшитдингизми, ўргулай. Ҳалиги...

Мен унинг бошланажак ярим соатлик «суҳбат»ига чап бериб, дедим: — Узр, хола. Ҳозир шундоқ кийимимни алмаштираману, сўнг ёнингизга чиқаман. Майлими? Сиз билан анчадан бери гурунглашолмаяпман, ўзи...

Қўшним дарровгина «юмшади»:

— Доим шошасиз-да, ўргулай. Ишлисиз. Ҳали замон уйимга чиқа қолинг, чой қўйиб кутиб ўтираман, хўпми?

— Хўп, хўп.

Уй эшигини очишим биланоқ қизим югуриб келди.

— Ассалом, аяжон. Бугун чучвара...

Бош силкиб маъқулладим-да, қўлига сумкамни тутқаздим. — Ма, ичкарига опкириб қўй.

— Вуй, сумкангиз бунча оғир. Ичида нима бор?

— Ҳеч нима.

Дўконга кирмадим шекилли. Ҳая, эсим қурсин, идорадан иш олиб келганман-ку. Бир дунё қоғозни қараб чиқишим керак, ҳали. Овқатдан сўнг... Сал кечроқ ухларман! Болаларнинг дарсиям бор. Агар вақтида суриштириб турилмаса мактабда ўқиётганиям ёдидан чиқиб кетади бу болаларнинг. Гўёки дунёда телевизорнинг ҳамма каналларини айлантиришдан кўра қизикроқ иш йўқдек...

Ошхонада чучвара тугяпману негадир қизалоғим ёрдамга келмаётганидан ажабланаман. Бир пайт ичкари уйдан болаларнинг қотиб-қотиб кулгани эшитилди. «Телевизорда қизиқроқ кўрсатув бериляпти, шекилли». Мен ҳам дераза оша ичкарига қулоқ тутдим. Машҳур қизикчининг таниш овози қулоғимга чалинди:

— Биласизми, ҳамманинг битта жони бўлса, аёлларимизнинг нақ қирқта жони бор. Бири ҳолдан тойса иккинчиси ишга тушади, иккинчиси тўхтаса учинчиси...

Тавба, топган гапини-чи? Бундоқ қараганда тўғрига ҳам ўхшайди. Балки қирқтадан ҳам кўпроқдир жонимиз! Чучваларни қозонда қайнаётган сувга ташлаб, оловни баланд қилдим. Эшик қўнғироғи жиринглади. Шошиб бориб очсам, ён қўшним.

— Вой ўргилай. Сизни кутдим-кутдим, ахийри ўзим чиқдимда.

— Буёқда ишим кўпайиб...

Қўшним жавобимга эътибор ҳам бермасдан тез-тез гапира кетди: — Эшитдингизми, янги йил аёллар йили бўлсин, дейилибди!

— Вой, шундайми?!

Қўшнимни кузатиб, ошхонага югурдим. Овқатни сузиб, болаларни дастурхонга чорладим. Шунда вужудимда ажиб бир енгиллик туйдим. Гўёки ҳозиргина ошхонада мен эмас, бошқа биров терга тушиб чучвара туккан, бошқа биров уй юмушларини тинчитган, менинг қирқта жоним эса соғ-омон жойида тургандай...

— Аяжон, жангари фильм соат ўн бирда бўларкан. Кўришга рухсат берасиз-а? Ярим соат қолди.

Ўғлимнинг гапидан хушёр тортиб, соатга қарадим. Ие, дарров ўндан ошибдими? Ахир сумкам тўла қоғоз, ҳаммасини бир ёқлик қилишим керак. Болаларни ясама «жаҳл» билан қойиб бердим:

— Кеч бўлди. Телевизорни ўчиринглар-да, жой-жойларингизга бориб ухланглар!

...Ўзим эса бир даста қоғозни стол устига ёйиб, ишга шўнғиб кетдим. Лекин, биз аёллар қирқта эмас, саксонта жонимиз бўлганда ҳам, уларнинг ҳаммасини яна шу оиламиз учун, фарзандларимиз учун, юртимиз учун сарфлаган бўлардик. Шудай эмасми?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Бу — қизиқ!

ҲАМ ҚОДИР, ҲАМ ОҚИЛА

● Марсел де Ленлюр деган франциялик рассом ўз маъшуқасига энг узун севги мактубини йўллаган экан. Мактубда 1875 минг марта «Мен сени севаман» деб ёзилган сўз бўлган.

● 1504 йилда Германияда вафот қилган Барбара Шлюцер хоним серфарзандликда биринчиликни олган аёл ҳисобланади. У жами 53та бола — 38та ўғил ва 15та қиз туққан.

● Қаранг, аёллар эркакларга қараганда эзмароқ, деган фикр нотўғри бўлиб чиқди. Денвер университети (АҚШ) мутахассислари ўтказган кузатишлар эркаклар эзмаликда аёллардан қолишмаслигини кўрсатди.

Фарқ шундаки, эркаклар муайян мавзуда ёки аниқ бир масала хусусида гапиришса, аёллар шунчаки эрмак учун сўзлашаверадилар.

ОНА ЁПГАН НОН ИСИ

ОҚШОМ чоғлари қуёш эндигина ётоғига бош қўймоқчи бўлган паллада ҳовли этагидаги тандирдан янги узилган нонинг исини туйганмисиз? Ўт ҳовуридан бўғриққан онажонингизнинг қадоқли қўлларидан иссиққина кулча нон олиб, волидангизнинг «ҳай-ҳай»лашига қарамай, ҳовли этагидаги ариқча томон югурганмисиз? Оҳ, у дамларнинг фароғатига не етсин...

НОН! Меҳмон келганида дўстлик туйғусининг, эҳтиромининг белгиси сифатида дастурхонга, аввало, нон қўядилар. Бўй-бўй болакайларнинг бешиги бошига нон қўядилар, бало қазолардан ўзи асрасин дея. Қиз бошига нон қўядилар, борган жойида тиниб-тинчисин, нондай азизу мукаррам бўлсин деб...

Бир чети кемтик нонлар ҳали-ҳануз осиғлиқ уйларимиз тўрида, ўша суронли йилларнинг унутилмас ёдгорлиги, эгасига илҳақ насиба... Пири-бадавлат кексаларимиз нон ушоғини ҳам кўзларига суртиб, тавоб қиладилар. Ахир нонинг ушоғи ҳам нон-да!..

Ҳарқалай кўнгилда нон ҳақида олам-олам фикру хаёллар кезади. Қишлоғимда анқийди она ёпган нон иси, дегинг келади кўзларинг ёшланиб. Нону насиба ҳаққи-ҳурмати мунис моможонларимиз, пири-бадавлат отахонларимиз қўлларингизни дуога очиб, ният қилинг:

— Нон бўлсин! Нон бўлсин! Нон бўлсин!..

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

Огоҳлантириш

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

ЁНҒИН — бу шунчаки оддий ҳодиса эмас. У яхши ниятлар билан машаккатли меҳнат қилиб қурган уйимизни, топган молу мулкимизни саноқли дақиқалар ичида кулга айлантириб юбориши, инсонни маънавий жиҳатдан ночор аҳволга солиб қўйиши, ҳатто, унинг умрига зомин бўлиши ҳам мумкин.

Вилоят ҳамда ҳудудий ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари фуқароларга ёнғин деган офатнинг нақадар зарарли эканлигини тушунтириш, ёзма кўрсатмалар бериш, суҳбатлар ва тарғибот ишларини ўтказишдан бир зум ҳам эринмайдилар. Лекин, вилоят бўйича содир бўлаётган ёнғинлар сони камаймаётир. Айниқса, фуқаролар уйларида рўй бераётган фожиалар ҳаммамизни ҳам ташвишга солмоқда.

1999 йил февраль ойи мобайнида вилоятимиз бўйича 107та ёнғин содир бўлиб, уларнинг деярли барчаси фуқароларнинг турар-жойларига тўғри келди. Шу йилнинг 11 февраль куни Паркент туманидаги «Бўстон» қишлоғида истиқомат қилувчи М. Абдурасулов хонадонида ёнғин чиқди. Чиноз туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи З. Ниёзованинг уйи ёниб кетди. Қибрай тумани Т. Нормуҳамедов кўчасида истиқомат қилувчи Толиповларнинг уйи аланга ичида қолди. Шунингдек, февраль ойи мобайнида Бекобод шаҳар, Зангиота, Ўртачирчиқ ва Тошкент туманларида содир бўлган ёнғинлар ҳам хунук оқибатларга олиб келди.

Фуқаролар хонадонларида чиққан ёнғин эса аксарият ҳолларда қаровсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнашлари, электр ёки газ ускуна, қурилмаларининг носозлиги ва улардан фойдаланишда ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари офатнинг олдини олиш борасида қанча саъй-ҳаракат қилишмасин, фуқароларимиз оддий ишчидан йирик корхона раҳбаригача ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмас эканлар унинг сони асло камаймайди.

Юртимиз ва халқимиз бойлиги бўлмиш инсон ҳаётини ўт балосидан асраш — бу ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, давлат ёнғин назорати томонидан текшириш мобайнида аниқланган барча камчиликларни вақтида бартараф этишимиз лозим.

Гапнинг индаллоси шуки, ҳамиша хушёр бўлганимиздагина, ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя этганимиздагина, хонадон соҳиблари лоқайдлик уйқусидан уйғонганларидагина нохуш ҳолатларнинг олдини тўлиқ олиш мумкин.

Минг марта гапиргандан кўра бир марта қилган яхши, деган халқимизнинг доно гапларига амал қилайлик. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган бор мол-дунё бир неча сонияда кўкка совурилиб, фожиа қурбони бўлмай десангиз, ўт балоси билан ўйнашманг.

Владимир ОСМАНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги.

ИЖОД СЕҲРИ

Бадиий Академия марказий кўргазмалар залида аёллар йилига бағишлаб очилган «Ўзбекистон аёллари ижоди» кўргазмаси санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда мамлакатимизнинг турли бурчакларида ижод қилаётган юз нафардан ортиқ тасвирий ва халқ амалий санъати соҳибаларининг беш юзтадан кўпроқ асари қуйилган. Айниқса, Гулсара Ражабованинг ҳайкалтарошлик, Шаҳноза Мўминованинг бадиий чиннисозлик, Мукаррам Иброҳимованинг ёғоч ўймакорлик, Азиза Маматова ва Шаҳноза Абдуллаеванинг ранг тасвир бўйича асарлари, ўзининг мазмуни ва композицияси жиҳатидан мутахассислар эътиборини жалб этмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу муаллифларнинг асарлари хорижий давлатларда ташкил этилган кўпгина халқаро кўргазмаларда совринли ўринларни эгаллаган.

Халқ ҳунармандчилигининг каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, кулолчилик, бешикдўзлик, дўппичилик каби қадимий турлари бўйича ҳам кўплаб буюмлар намойиш этилаётган ушбу кўргазма гўзалликка ошно аёлларимиз ижодини республикамиз аҳли, хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларга кенг таништиришда, ёшларимизда миллий санъатимиздан фахрланиш туйғусини уйғотишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, 14-17 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Ҳаво ҳарорати кечалари 2 даража совуқ, 1-6 даража илиқ, кундуз кунлари эса 6-11 даража илиқ бўлиши мумкин.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНА БИР БЕЛГИСИ

МАЪЛУМКИ, сўнгги йилларда республикамизда бошқа соҳалар сингари соғлиқни сақлаш тизимига ҳам катта эътибор берилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 январдаги «Дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори давлатимизнинг халқ саломатлигини, ижтимоий адолат тартиб-қоидаларини янада мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадамдир.

Бу ҳужжатнинг моҳияти халқимизни сифатли, арзон дори-дармон билан таъминлашни кафолатлашда ўз ифодасини топади. Унга асосан барча соғлиқни сақлаш муассасалари ва чакана дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар ҳамда тиббий буюмлар учун ягона тартибдаги нархлар жорий қилинади. Яъни устама нарх истеъмолчиларга етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар учун 20 фоиздан, чакана савдодагилар учун эса 25 фоиздан кўп бўлмаслиги керак. Ана шу талабга риоя этиш қатъий назорат остида бўлади. Бу мақсадда Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ҳам инспекциялар фаолият кўрсата бошлади.

Бу ҳужжатга мувофиқ, аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган турғун даволаш муассасаларига дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар харид қилиш харажатлари давлат бюджетидан ажратилади. Вазирлик томонидан тасдиқланган рўйҳат бўйича шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон воситалари хариди, шунингдек, эҳтиёжлар учун уларни четдан олиб келиш очиқ тендер савдоларида, наркозда қўлланиладиган вакциналар, зардоблар хариди эса ёпиқ тендер савдоларида амалга оширилиши кўрсатилган. Бу ҳам эндиликда четдан арзонроқ дори-дармонлар олишда катта аҳамиятга эгадир. Бундан буён даволаш муассасалари дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни республикада ишлаб чиқарадиган корхоналардан

Қарор ва ижро

тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу билан баъзи шифохоналарда учраб турадиган жиддий камчиликларга ҳам барҳам берилади, деб ўйлаймиз. Айни вақтда давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига сотиб олинадиган дори-дармонлар ва тиббий буюмлардан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш ҳам назоратда бўлади. Бунда касалхонада даволанаётган беморлар махсус дафтарларга ўзлари амалда истеъмол қилган дори-дармон воситаларига улардан фойдаланганликлари тўғрисида имзо чекишлари шартдир. Қарорда айтилганидек, баъзи тоифадаги беморларга имтиёзли рецептлар билан дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари беришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинган. Бу мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг яна бир далолатидир.

Шуни айтиш керакки, эндиликда дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотиш соҳасида ким қонунни бузса, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар. Албатта, аҳолининг ўзи ҳам бу борадаги ишлар адолатли бўлишини назорат остига олиши керак.

Шу кунгача дори-дармонларни сотиш ва сақлашда вилоятимизда ҳам айрим камчиликлар, муаммолар мавжуд бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса тиббий муассасаларда ва чакана дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари нархининг ягона тартибда жорий этилиши халқимизнинг кутган орзуси эди. У рўёбга чиқди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ушбу ҳужжатни изчил ҳаётга татбиқ этиш, бажарилишини назоратга олиш мақсадида йиғилишлар бўлиб ўтди. Унинг мазмуни, моҳиятини аҳолига етказиш тадбирлари белгиланди. Ана шундай мулоқотлар жараёнида сўзга чиққан кишилар томонидан ҳукуматимиз қарорида халқ манфаатини кўзлаган қоидалар ўз ифодасини топганлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

8-МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ РАМЗИ ТАСДИҚЛАНДИ

ЯНГИ ЙИЛ арафасида Ўзбекистон Республикаси 8-миллий чемпионати рамзини яратиш учун рассом футбол ишқибозлари орасида танлов эълон қилинган эди. Ўзбекистон футбол федерациясига ижодкор рассомларнинг кўплаб чизган рамзлари тақдим қилинди. Футбол мавсуми очилишига саноқли кунлар қолганда танлов ғолиби ва 8-миллий чемпионат рамзи эълон қилинди. Танловда Камолиддин Беҳзод номидаги Тошкент рассомлик ва дизайн институтининг 2-курс толиби Иқболжон Абдужабборов чизган миллий чемпионат рамзи танлов ғолиби бўлди, ва у расман 8-миллий чемпионат рамзи сифатида тасдиқланди.

«ПАХТАКОР-79» ХОТИРА ТУРНИРИ

БУ ТУРНИРНИНГ биринчи ярим финалида пойтахтнинг МҲСК жамоаси Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилди. Ўйин кескин вазиятларга бой бўлди. Ҳар иккала жамоа ҳужумкорлик руҳида ўйин кўрсатдилар. «Насаф» ҳужумчиси Бахтиёр Давлатовнинг ҳар бир бўлимда 1тадан армиячилар дарвозасига боши билан киритган 2 тўпи «Насаф» ғалабасини таъминлади. Шуни қайд қилиш керакки, Бахтиёр Давлатов турнир давомида рақиблар дарвозасини 8 маротаба ишғол қилди ва тўпурарлар баҳсида пешқадамлик қила бошлади. Иккинчи ярим финалда «Сўғдиёна» — «Нефтчи» жамоалари июнь ойида учрашадилар. Сўнгра «Насаф» бу учрашув ғолиби билан финалда майдонга тушади.

ЭРОН ТЕРМА ЖАМОАСИ БИРИНЧИ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

МАЛАЙЗИЯДА март ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилган биринчи Осиё чемпионатида қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси чемпионат тугашидан анча олдин Ватанига қайтишга мажбур бўлди. Чунки, улар «А» гуруҳи жамоалари орасида уч учрашув ўтказиб бир ғалаба, бир дуранг ва бир мағлубият билан атиги 4 очко тўпладилар. Оқибатда 4 жамоанинг орасида учинчи ўринни эгалладилар. Ҳал қилувчи учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси Қозоғистон терма жамоасига 2:3 ҳисобида ўйинни бой бериб қўйди. Натижада, уч учрашувдан 2тасида ғалаба қозонган Қозоғистон миллий терма жамоаси гуруҳда ғолиб чиқиб, ярим финалга йўлланма олдилар. Иккинчи йўлланмани эса 5 очко тўплаган Япония миллий терма жамоаси қўлга киритди.

«В» гуруҳида бешта жамоа кураш олиб борди. Эрон миллий терма жамоаси рақиблари дарвозасига 76та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 4та тўп ўтказиб юбордилар ва 12 очко тўплаб гуруҳда ғолиб чиқдилар. Бу гуруҳдан ярим финалга иккинчи йўлланмани Корея Республикаси миллий терма жамоаси қўлга киритди.

Ярим финалда Қозоғистон терма жамоаси Корея Республикаси жамоаси билан куч синашиб рақиблар дарвозасини уч маротаба ишғол этди. Рақиблар эса қозоғистонликлар дарвозасига 8та тўп киритишга муваффақ бўлдилар, натижада Корея Республикаси финалга йўлланмани қўлга киритди. Иккинчи ярим финалда Эрон Япония терма жамоаси билан учрашди. Эронликлар рақиб дарвозасига бешта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 2та тўп ўтказиб юбордилар ва учрашувни 5:2 ҳисобида ғалаба билан якунладилар.

Куни кеча 10 мартда ўтказилган финал учрашувида эса Эрон терма жамоаси Корея Республикаси терма жамоаси дарвозасини 9 бор аниқ нишонга олиб, ўз дарвозаларидан бир маротаба тўп ўтказиб юбордилар. Натижада 9:1 ҳисобида ғалабани қўлга киритиб, мини футбол бўйича биринчи Осиё чемпиони бўлишга сазовор бўлдилар.

Талъат ЮСУПОВ.

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 11-мактаб томонидан Қурбонов Ўринбой Қарсибоевич номига А-440288 рақам билан берилган йўқолган аттестат
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги «Амирхон-бизнес» масъулияти чекланган жамияти
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 24-75-11 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Бектемир туманидаги «Астор» хусусий фирмасига корхона ва ташкилотларни ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида статистика органлари томонидан берилган гувоҳнома йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси «Тошвилоятматлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқарувининг раиси Толибжон Тошпўлатовга онаси
Сайдиниса НУРЧИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси концерн ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи О. Ғуломовга онаси
ҒУЛОМОВА Раъно Тожибой қизининг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маъмурияти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши курортлар бошқармаси бошлиғи Акмалжон Йўлдошевга падарибузруквори
Аҳмаджон ота ЙЎЛДОШЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-092. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6